

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Адолат ҳар ишда  
ҳамроҳимиз ва  
дастуригимиз  
бўлсин!

2017 йил 12 сентябрь • сешанба № 38 (1086)

## ЁШЛАР – ВАТАН ТАЯНЧИ,



МИЛЛАТ ИШОНЧИ!

## Бахт ва бунёдкорлик

Боғ яратдинг! Уй қурдинг! Юртинг тинч — шу буюк иш!  
Халқ бир йўлда бирикса, ечилгай ҳар бир тугун.  
Бехудага бермайди, бизга ҳеч ким битта гишт  
Юкимизни ўзимиз кўтара олдик бугун.

Озод, обод манзилда бекликнинг ўзи келмас  
Гоҳ йиқилдинг, гоҳ турдинг... етдинг пою пиёда.  
Утаётиб бошингда офтоб ҳам тўхтар бир пас —  
Халқим, уйинг тинч бўлсин, Бахтинг қулсин зиёда.

Инсон зоти дунёда бахтли яшасин, дея  
Президентлар, вазирлар машаратда берса қўл  
Шаҳарлар, кентлар тугул бузилмасди қушуя  
Замбараклар оғзидан осмонга отарди гул!

Дунё бор, тўполон бор, ҳасад ҳам эмас жудо  
Ўз кунингни кўрсанг ҳам қувонмас “дўст”нинг бари  
Ёмон-ёвуз кўзлардан юртни асрасин Худо  
Эл бахтига бор бўлсин Озод Давлат Раҳбари.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Адлия нашрлари

## Энг зарур

## эҳтиёж



АГАР эътибор берадиган бўлсак, болалигидан оилавий кутубхонасидаги китобларни ўқиб улғайган, илму маърифатга, зиёга талпинган қалблар орасида тарбия қўрган кишиларнинг ҳаётга қарашлари, яшаш фалсафаси бошқача бўлади.

Ҳуққини яхши билган инсон эса, керакли вақтда тўри хулосага келади, ҳаётда қоқилмайди. Ҳар бир фуқаро, хоҳ у ёш, хоҳ кекса бўлсин, ўз ҳаётида ҳуқуқий маслаҳатларга эҳтиёж сезади. Ана шундай вақтда ҳуқуқий мавзудаги китоб ва адабиётлар, шунингдек, ҳуқуқий газеталарда чоп этилаётган тахлилий мақоалар энг яхши, беминнат маслаҳатгўй бўла олади.

Ташкил топганига чорак аср бўлган “Адолат” нашриёти Ватанимиз истиклоли ва замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, миллий қонунчилигимизни тарихга муҳраб, ҳуқуқий йўналишдаги, мазмун-мундарижаси кенг қамровли нашрларни расмий манба сифатида тақдим этиб келмоқда.

“Адолат” нашриёти 2009 йилдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба — “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” — “Сборание законодательства Республики Узбекистан” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами” — “Сборник международных договоров Республики Узбекистан” расмий даврий нашрларини ҳам чоп эта бошлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ва 2017 йил 7 февралдаги қарорларига ҳамда “**Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида**”ги 2017 йил 7 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига асосан “**Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами**”, шунингдек, “**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами**”ни очик обуна йўли билан нашр этиш, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сонли қарорига асосан эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ўзларига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида уларни қўлашда мажбурий равишда фойдаланиши, бунда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз марказий аппаратларига, таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ўз вақтида келиб тушишини, шунингдек, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилишини таъминлашга мажбур эканликларини назарда тутилган.

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” — “Сборание законодательства Республики Узбекистан” расмий нашри беш бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади. Иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва фармойишлари эълон қилиб борилади. Шунингдек, расмий нашрнинг учинчи бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тўртинчи бўлимида эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг қарор-

лари эълон қилинади. Расмий нашрнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари чоп этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва ахамияти билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга асосан ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ва устувор вазифалар белгиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Конституциявий суд, Олий суд муассислигида чоп этилаётган “*Huquq va burch*” ижтимоий-ҳуқуқий журнали ўзбек тилида, ойда бир мартаба 15 минг нусхада чоп этилиши белгиланган бўлиб, журнал саҳифаларидан ўрин олган мақоалалардан олий ўқув юртлири, коллежлар, лицейлар, мактаблар ва бошқа тарбия муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида фойдаланишни таъминлаш вазифаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият вазирликларига юклатилган.

“*HUQUQ VA BURCH*” ижтимоий-ҳуқуқий журнали мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиши, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириши, уларни ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида кизгин фаолият кўрсатиб келмоқда. Журнал саҳифаларида “*Парламент фаолияти*”, “*Янги қонун ҳужжатлари*”, “*Қонун моҳияти*”, “*Муҳожадат*”, “*Адолатнома*”, “*Ҳориз тажрибаси*”, “*Тадқиқот, таҳлил, тақлиф*” каби рунларда чоп этилаётган мақоалалар аҳолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари билан ҳаётини мисоллар орқали яқиндан таништиришга хизмат қилмоқда.

“*Инсон ва қонун*” ҳуқуқий газетаси эса, “*Юридик хизмат минбари*”, “*Ягона дарча*”, “*Адлия ёрдам берди*”, “*Моҳият*”, “*Шарҳ*”, “*Мулоҳаза*”, “*Қилмиш — кидирмиш*” каби бир қатор рунларда ёритилаётган мақоалалар орқали қонунчилигимиздаги ўзгаришларни кенг ёритиб, фуқароларнинг ҳуқуқий мавзудаги саволларига жавоб қайтариб, аҳоли билан халқчил мулоқотга киришмоқда.

Газетхонлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш таҳририятнинг ва муассиснинг доимий эътиборидаги масалалардан бири бўлиб, шу мақсадда ташкил этилган махсус рунларда ўқувчиларни қизиқтирган саволларига мутахассис жавоблари ва маслаҳатлари чоп этилмоқда. Мазкур нашр “*Халқ билан мулоқот ва инсон маффаатлари йили*”да жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг муражаатлари билан ишлашда масъулиятни кучайтириш мақсадида аҳоли муражаатларидаги муаммоларни ёритишга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Шу жиҳатдан ҳам мазкур ҳуқуқий нашрлар нафақат ҳар бир давлат идораси ва ташкилотининг, балки ҳар бир оиланинг оилавий кутубхонасидан ўрин олиши зарур! Ойи яшаётган мамлакатнинг қонунчилигини мукамал билган ва ундаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиб борадиган фуқаро, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини, бурчларини яхши билди, ҳар бир ишда, муаммолари вазиятларда ҳам шойиқмай, оқилона фикр юритади. Шундай эса, қорондаги ҳуқуқий нашрлар турмуш ва иш фаолиятинида сизнинг ҳамкорингиз ва яқин қўмақчингиз бўлишига ишонамиз.

Алиқон ОЧИЛОВ,  
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

## Қонун ҳужжатларидан LexUZ орқали

### ўз вақтида бохабар бўлинг

ДАВЛАТИМИЗ томонидан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурларининг муваффақиятли амалга оширилаётганига натижада мамлакатимизнинг нафақат вилоят марказлари балки, энг олис туман ва қишлоқлари аҳолиси ҳам интернет орқали LexUZ ҳуқуқий ахборот излаш тизимидан фойдаланган ҳолда янги қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармон, Қарор ва Фармойишларидан, Ҳуқумат қарорларидан ҳамда бошқа ҳужжатлардан, бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларидан on-line режимида ўз вақтида бохабар бўлишмоқда.

Таъкидлаш зарурки, LexUZ ҳуқуқий ахборот излаш тизимига нафақат Ўзбекистон Республикасидан ташқари Корея, Япония, АКШ, Канада, Россия, Германия, Франция ва бошқа хорижий давлатлардан ҳам фойдаланувчилар ташриф буюрмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан танишаётган чет эллик инвесторлар Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаш ва олиб бориш учун яратилган қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити, қонун ҳужжатлари билан хорижий инвесторларга берилган қаролат ҳамда имтиёزلар билан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Матбуотда 2016 йил 23 сентябрда эълон қилинган “**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги Қонунга мувофиқ “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**”ги Қонуннинг 29-моддасига ўзгаришлар киритилиб, унга қўра Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий база-

си — LexUZ га расмий манба мақоми берилди. Қонун 2017 йил 25 сентябрдан қўра қиради. Бу мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча жаҳадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қўламини янада кенгайтириш, “электрон ҳуқумат” тизимини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали ййгилишда қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми бўлиб, асосий масала қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини таъминлаш, бу борада самарали механизм яратиш кераклигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Орадан кўп ўтмай, Президентимизнинг 2017 йил 8 февралда “**Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Қарори эълон қилинди. Унда қонун ҳужжатларини аҳолига ва ижрочиларга ўз вақтида етказишнинг самарали механизмини яратиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган.

Мазкур Қарор билан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган тузатишларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва ахамиятини тушунтириш, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш давлат қўми-

талари, идоралар, ҳўжалик бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Соҳада яхлит тизим яратилди, янги ёндашувлар вуқудга келди.

Қарор билан, ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қўйидаги қўшимча вазифа ва функциялар юклатилди: Ҳусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказиш, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик ва назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига 2017 йилнинг 25 сентябрдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилиши муносабати билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказига қонун ҳужжатларининг Миллий базада расмий нашр этилишини таъминлаш масъулияти юклатилди.

Ҳозирда марказ мутахассислари томонидан LexUZ ҳуқуқий ахборот излаш тизимини, дастурий таъминотини янада такомиллаштириш, дизайнни яхшилаш борасида бир неча йўналишда иш олиб боришмоқда. Аввало, у текник модернизация қилинапти. Кидирув механизми мақбуллаштириляпти. “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали аҳолини янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари тўғрисида автомат равишда хабардор қилиш механизми яратилаяпти.

Анвар ҚОДИРОВ,  
Адлия вазирлиги масъул ходими

Мангуликка дахлдор умр

# ДУНЁ ЭЪТИРОФИ

## ёхуд тараққиёт сари йўл

(биринчи мақола)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING** Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 16-23 июнь кунлари Осиё — Тинч океани минтақасидаги Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезияга қилган тарихий сафари мамлакат ташқи сийосатида ёрқин из қолдирди.

Бундан ўн беш йил муқаддам “Туркистон” (ҳозирги “Ёшлар овози”) ёшлар газетасининг бир неча сонидида эълон қилинган сафарнома “Дунё билан юзма-юз” деб аталган эди. Уларда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг илк бора дунёга ўзининг мислсиз тараққиёти билан танилган Жанубий Корея, Малайзия давлатларига ҳамда Жануби-Шарқий Осиёдаги йирик мамлакат Индонезияга қилган расмий ташрифи ҳикоя қилинган эди. Юртбошимизнинг бир йўла уч давлатга бу тарихий сафари чин маънода мамлакатимиз тараққиётида ва халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди. Бу ташрифини ҳақиқатан ҳам тақдорланмас, кўпгина улғувор ишларга туртки бўлган, ҳам самарали, ҳам ибратли сафар, дейиш мумкин.

Бу ташрифта алоҳида аҳамият берилди. Боиси сафар қилинаётган мамлакатлар, айниқса, Жанубий Корея, Малайзия дунё миқёсда ўзига хос ўринга эга бўлиб, жадал ривожланиш бобида ҳам ўрнатилган арзийдиган ибратли давлатлар қаторига кирарди. Шунинг учун ҳам бу ташрифта пухта тайёргарлик кўрилди, янги мустақил давлат учун фойдали бўладиган барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Бугун ана шу ташрифта иштирок этган журналист сифатида йигирма беш йилдан сўнг, яъни 1992 йил 16-23 июнь кунлари Биринчи Президентимизнинг Жанубий Корея, Малайзия, Индонезияга қилган ташрифини эслаб, унинг кейинги самараси ҳақида ҳикоя қилмоқдамиз.

### Жанубий Корея мўъжизаси

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўз ташрифини Жанубий Кореядан бошлашининг рамзий маъноси бор эди. Бу вақтга келиб Корея Республикаси дунёнинг энг тараққий этган давлатларидан бирига айланган. Жаҳон иқтисодий ҳаётда мўъжиза яратётган бу давлатнинг таърихияси ўрганиш эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон учун жуда зарур эди.

Ташрифдан кўнланган асосий мақсад дунёдаги энг тараққий этган ва иқтисодий юксалишда “Осиё йўлбарси”, “Аждарҳо” деб ном олган Жанубий Корея билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш эди. Чунки кейинги йилларда Жанубий Корея жаҳонга донг таратиб, чет эл бозорларини арзон ва сифатли маҳсулотлари билан эгаллаб, айрим соҳаларда ҳатто, АКШ, Япония сингари тараққий этган давлатларни ҳам ортда қолдира бошлаган эди. У ўша даврга келиб автомобиллар экспорт қилишда “TOYOTA”, “NISSAN” motorco.LTD” сингари компаниялари бўлган Японияни ҳам Канада бозоридан сиқиб чиқарганди.

Ўша йиллари бу давлат йилга 12 миллион 828 миң энг замонавий рангли телевизор, 1 миллион 279 миң автомобил ташиб келди, 3,1 миллиард квадрат метр сунъий толаси билан жаҳон бозори пештаҳлилини эгаллаб олганди.

Кейинги ўттиз йил ичида иқтисодда туб ўзгаришлар қилишга эришган Корея учун бу кўрсаткичлар ҳали кўнланган марра эмасди. Чунки 1992 йили янги миллий даромад атиги 2,3 миллиард АКШ долларига тенг бўлган бўлса, 1992 йилга келиб бу кўрсаткич 237,9 миллиардга етди. Узингиз ҳисоб-

қитоб қилиб кўринг.

Хамма ютуқлар, муваффақиятларга ишга ўта масъулия, ишонч, юксак тартиб-интизом, фақат сифатли маҳсулот тайёрлаш, юқори малака ва билим тўғрисида эришилган. 1980 йилгача Жанубий Корея тўқимачилик, энгил санаят, машинасозлик билан дунёга машҳур бўлди. Кейинги ўн йил ичида эса жаҳон бозори ва тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, фан-техника ривожига жиддий эътибор қаратилди. Энг замонавий, мукамал ишланган рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, видеокамералар, компьютерлар, микро тўқинли печлари билан дунёга доврқ сола бошладди. “SAMSUNG”, “HYUNDAI” сингари компаниялар кириб бормаган мамлакат бозори қолмади.

Шундай қилиб, Жанубий Корея машҳур бўлиш, “аср мўъжизаси”, деб тан олинган учун асосий эътиборни нималарга қаратди экан? Бизнингча, биринчидан, бутун халқини, энг истеъдодли ёшларини ўз вақтида кўнланган мақсад сари йўналтира олди. Уларни ҳоржидга энг аборли олий ўқув юртиларида таълим олишларига, ўзаро таъриба алмаштиришларига эришди.

Иккинчидан, четдан қарз олди-ю, лекин йирик компания ва фирмаларнинг ашаддий “бостириб” келишига йўл қўймади. Аксинча, ҳақиқий Жанубий Кореяча йўл туғди ва жаҳон бозорига ериб кирди. Энг кучли рақобатчига айланди. Учинчидан, мамлакатда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганларга чора кўриш жиноят даражасига олиб чиқилди. Ўз фирмаси, мамлакат абор-эътибори учун кураш, фахр-ифтихор туйғуси — бугун Жанубий Корея халқи қалбидан жой олди.

Биринчи Президентимиз ўз олдига

шундай тараққий этган давлат билан яқиндан танишиш ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйишни мақсад қилиб олган эди. Ўз навбатида, жаҳон бозорига янги ҳамкорларни излаётган Жанубий Корея ҳам энди мустақилликка эришган Марказий Осиёдаги энг нуфузли, арзон хомашё бисёр, келажоги бор Ўзбекистон билан яқиндан танишишни жуда истарди.

Шу сабабли янги мустақил давлат раҳбари бўлган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 1992 йилнинг 16 июнида Жанубий Кореяга юксак эътиром ила олий даражада кутиб олинди. Ўша пайтлари ҳам мамлакатимизда севимли байроғимиз кам бўлган кезлари минглаб сеуликлар кўлларига Ўзбекистоннинг жажжи байроқларини ҳил-пиратиб, Биринчи Президентимизни олқишлаган эдилар.

Дунёнинг энг машҳур давлат бошлиқларининг Жанубий Кореяга ташриф чоғида манзилгоҳ бўлган “Лотте” Президент меҳмонхонасининг энг юқори қаватлари Юртбошимизга ажратилган эди.

Эртаси кун Чонг Ва Де Президент саройи майдонида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Биринчи Президентимизнинг ушбу мамлакатга ташрифи чоғида Жанубий Кореяни дунёга танитаётган йирик порт шаҳри Пусанда бўлиши алоҳида аҳамиятга эга воқеа бўлган эди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Пусан шаҳрида жойлашган “ДЭУ” корпорацияси раҳбарлари билан учрашуви мамлакатимизнинг Асака шаҳрида “ЎЗДЭУ-авто” корхонаси ҳозирги Асака заводи АО “GM Uzbekistan” барпо этилишида, яна бир автомобил ишлаб чиқарадиган давлат сифатида дунёга танилишида асос бўлиб хизмат қилди.

Эндиликда нафақат республикада, балки дунё давлатларида тобора машҳур бўлиб бораётган “Нексия”, “Дамас”, “Тико”, “Матиз”, “Ласетти”, “Кобальт”, “Малибу”, “Орландо” сингари ўзбек автомобиллари яратилишига Биринчи Президентимизнинг Пусанда олиб борган илк музокаралари сабаб бўлган эди.

Ташриф чоғида Биринчи Президентимиз дунёдаги энг машҳур “SAMSUNG” компаниясида бўлиб, унинг етакчи раҳбарлари билан учрашди. Айниқса, ўзаро савдо, иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш, юқори даражада ривожлантириш масалалари Кореянинг экспорт-импорт банки Президенти, Корея савдо-санаят палатаси, ишбилармонлар ассоциацияси, кичик бизнес ва санаятчилар федерациялари раислари билан бўлган учрашувларда асосий маззу бўлди.

Кўнла “Чандоккунг” император саройи Биринчи Президентимизда ва делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди. Бундан 800 йил муқаддам бунёд этилган тарихий биноларни корей халқи кўз қорачиғидай асраб-авайламоқда. Биринчи Президентимизнинг ушбу мамлакатга ташрифи чоғида Жанубий Кореяни дунёга танитаётган йирик порт шаҳри Пусанда бўлиши алоҳида аҳамиятга эга воқеа бўлган эди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Пусан шаҳрида жойлашган “ДЭУ” корпорацияси раҳбарлари билан учрашуви мамлакатимизнинг Асака шаҳрида “ЎЗДЭУ-авто” корхонаси ҳозирги Асака заводи АО “GM Uzbekistan” барпо этилишида, яна бир автомобил ишлаб чиқарадиган давлат сифатида дунёга танилишида асос бўлиб хизмат қилди.

Эндиликда нафақат республикада, балки дунё давлатларида тобора машҳур бўлиб бораётган “Нексия”, “Дамас”, “Тико”, “Матиз”, “Ласетти”, “Кобальт”, “Малибу”, “Орландо” сингари ўзбек автомобиллари яратилишига Биринчи Президентимизнинг Пусанда олиб борган илк музокаралари сабаб бўлган эди.

Ташрифнинг яна бир энг жидд воқеаларидан бири Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Жанубий Кореянинг энг машҳур иқтисодчилари, бизнесменлари, сармоядорлари, молия ходимлари таълим олган Соганг университетида фахрий докторликка қабул



қилиниши бўлди.

Биринчи Президентимиз Жанубий Кореяга яна бир неча марта ташриф буюрди. Илк ташриф, биринчи сафар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг юқори суръатлар билан ривожланишида муҳим аҳамият касб этган эди. 1995 йилда Биринчи Президентимиз Сеулда бўлган Биринчи Корея Республикасининг олий уфони — “Мугунхва” ордени билан таъдирланган эди. Биринчи Президентимизнинг икки давлат ўртасидаги алоқаларининг ривожига, ўзбек, корей халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ана шундай юксак баҳоланди.

Эндиликда Жанубий Корея Ўзбекистоннинг Осиё китъасидагина эмас, балки бутун дунё миқёсда ҳам энг йирик савдо иқтисодий шерикларидан бирига айланди. Жанубий Корея ишбилармонлари ва йирик компаниялар томонидан мамлакатимизга олиб келинаётган инвестиция миқдори эса 7 миллиард доллар ортда қолдирди. Эндиликда республикада Жанубий Корея сармоси асосида 430 та корхона, 70 та компаниянинг ваколатхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Жанубий Кореянинг 10 та банки билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) — бир неча йиллардан бунён республика вазирликлари ва идоралари билан фаол

алоқа қилмоқда. Ўзбек йигит-қизлари шу ташкилот йўли билан мунтазам равишда Жанубий Кореяда малака ошириб қайтмоқда. Ҳозиргача уларнинг сони 1577 кишини ташкил этади.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея таълим муассасаларида ўзаро ҳамкорлик алоқалари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Инха университетининг Тошкентдаги филиалида юзлаб ёшлар таъсил олмақда. Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг корейшунослик факультети очилган. Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Корей тили ва маданияти маркази” фаолият юритмоқда. Улар Корея томонидан замонавий компьютер технологияси, ўқув адабиётлари билан таъминланган.

Икки дўст мамлакат ўртасида маданий алоқалар ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон маданияти ва санъат арбоблари Жанубий Кореяда ўз ҳаётларини бир неча бор намоийш этилар. Ўзбекистонда эса корей маданияти ҳафталикларини ўтказиш одат тусига кириб қолди.

Буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йилда Корея Республикасига қилган илк ташрифининг ёрқин самараси сифатида мамлакат тарихида, авлодлар хотирасида мангу қолди.

Жаббор РАЗЗОКОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Мустақиллик берган бахт

# Тарихга муҳрланган кун

ТАРИХ — буюк устоз дейдилар. Тарих эмас, тарихни ташкил этувчи инсонлар, содир бўлган унутилмас воқеалар — буюк устозлардир. Халқимиз жуда бой маънавий тарихга эга. Бунинг исботи — биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданият, бутун жаҳон, бутун башариёт тан олган улғув олим ва мутафаккирлар, дунёга машҳур, ҳеч кимга таслим бўлмаган улғув соҳибқиронлар ва саркардалардир. Бунинг замони — кўпчи қўрган, танти, бағрикенг, ўта чидамли, лектин вақти келса, ҳар қандай босқинчи ва истиклолнинг ҳам адабинин берган, бугун ҳам хушёр ва сезгир бўлиб, тинч ва тотув ҳаёт кечираётган бунёдкор халқимиздир. Дунёда икки юздан ортиқ давлат, минглаб халқ ва эллар мавжуд. Шунлар орасида Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакор мамлакатнинг ўз ўрни ва нуфузи, ўзига хос тараққиёт йўли борлиги қалбимизда ифтихор бағишлайдиган. Тарихи бир неча миң йиллар билан бўйлашадиган, жаҳон тамаддунининг тамал тошини қўйган, илм-фани, санъати, маданияти, улкан маданий ва маънавий мероси, олим уфозалари билан донг таратган ўз истиклолини осонликча қўлга киритгани йўқ. Яқин ўтмишда — қарийб бир аср давомидаги мустақиллик ҳолатидаги вазият, унганча ҳам ҳақ-ҳуқуқлари поймол этиб келинган халқимиз қаддини, руҳини ҳеч қандай куч бука олмаган. Мустақиллигимиз биз учун Она каби мўътабар, нондай азиз ва қадрлидир. Яқин тарихга назар солайлик, Истиқлол шарофати билан Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, 1990-1991 йилларда Наврўз байрами қайта тиклангани, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрами ҳамда бу кунларда дам олиш кунлари, деб эълон қилинган халқимизнинг асрий орзу-армонлари рўёбга чиқishi, миллий қадриятларимиз тикланиши йўлидаги дастлабки йирик қадамлар бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур. Мустақилликка эришганимиздан сўнг дастлаб унинг қафолати бўлиши, мамлакатни модернизациялаш миллий давлатчилигимизни барпо этиш йўлидаги залворли қадам бўлди. Теран тари-

хий илдизларимиз, кўп асрлик таъриба ва маънавий қадриятларимиз, аждодларимизнинг хуқуқий мероси, халқимизнинг орзу ва интилишлари чўқур сингдилган Конституцияимизнинг ҳаётий негизи амалда ўз аксини топиши фахрланишга арзийдиган воқеалар сирасига кириб, бунёд-

дошларимизни ифтихор билан тилга оламиз. Буларнинг барчаси, аввало, спорт соҳасига давлат даражасида эътибор берилганлиги бўлса, иккинчи томондан, дунё таърибасида намуна вафизасини ўтовчи, миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама бар-

Ватан — бу бир қарич ер. Бир сиким, бир уюм, бир ҳовуч тупроқ. Бу тупроқда бугун бир тарих мужассам. Унда ҳаёт бошланган, нажот улғайган, хотира яшамокда.

Ватан — бу бир қарич ер. Бир сиким, бир уюм, бир ҳовуч тупроқ. Аждодларимиз қабрлари жойлашган муқаддас замин. Улар унда тириқлар, улар ҳақидаги хотира мана шу тупроқда тирик.

Ватан — бу бир қарич ер. Бир сиким, бир уюм, бир ҳовуч тупроқ. Унинг қўйида алла садоси янграйди — бу садо уйғотди, улғайтиради, яшашни ўргатади ва умрбод қалбларда зулматга қарши нур бўлиб, зий бўлиб, мўдум янграб туради.

Ватан — бу бир қарич ер. Бир сиким, бир уюм, бир ҳовуч тупроқ. Вақтинчалик бизга берилган омонат. Биз бу омонатни эҳтиётлаб, келгуси авлодларга мерос қилишимиз керак. У — бизнинг энг катта бойлигимиз.

Ўткир Хошимов айтганларидек: — мангу ҳақиқат — “Она битта! Ватан ягона”

кор, меҳнаткаш халқимизнинг буюк ишларга қодирлигини амалда исботлади. Мустақиллигимизнинг ўтган йигирма олти йилда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, эришилган натижаларни шарҳлаш, таҳлил қилиш учун йиллар камлик қилади. Ҳар бир воқеа, ҳар бир жаҳон, ҳар бир соҳа — катта бир тарихдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг “**Ҳеч бир соҳа мамлакатни спорт соҳасидек машҳур қилолмайди**”, деган ибораси ҳаётда ҳам ўз тасдиғини топмоқда, десам адашмайман. Бугунги кунда жаҳон, қитъа мусобақаларида юртимиз байроғи тезтез кўтарилди, мадҳиямиз янграмоқда. Шу ўринда қалбларимизни зий бўлиб ёритадиган асрга татиғулик ютуқларимизни айтиб ўтмоқчиман. Утган йили 31-ёғи Олимпиада мусобақаларида Рио-де-Жанейрода юртимизнинг асл ўғлонлари ўн учта медал билан ўз ёғу бўлиб қайтиб келди. Тўртта олтин, иккита кумуш, еттита бронза медал эгалари Фазлиддин Фойназаров, Руслан Нурдинов, Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров каби юрт-

камол авлодни камол топтиришга хизмат қилаётган уч босқичли спорт тизимига асос солиниб, мактаб ўқувчилари ўртасида “Умид ниқоллари”, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей талабаларининг “Баркамол авлод” ҳамда олий ўқув юртилари талабаларининг “Универсиада” каби мусобақалари юқори савияда ташкил этилиб, мунтазам ўтказилиб келаётгани мустаҳкам пойдевордир.

Биз истиклол фарзандларимиз. Ёшларга оид давлат сиёсати

Дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам буюклиқдан далолат. Юртимизнинг чекка худудларига ташриф буюрсангиз ёшлар ниқолларига ҳамда академик лицей талабаларининг “Баркамол авлод” ҳамда олий ўқув юртилари талабаларининг “Универсиада” каби мусобақалари юқори савияда ташкил этилиб, мунтазам ўтказилиб келаётгани мустаҳкам пойдевордир.

Биз истиклол фарзандларимиз. Ёшларга оид давлат сиёсати

қилмоқда. Бу имкониятлар замирида ватанга сийқидилдан хизмат қилиб авлодларга мустаҳкам пойдевор бўлиш мужассамдир. Мустақиллик биз ёшларга имкониятларнинг сон-саноксиз эшикларини очиб бериш билан биргаликда жуда катта вазифамизни англашга даъват қилди. **Ишонч:** Кеча ким эдигу, бугун ким бўлди? Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улғув зотларнинг ворислари эканлигини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, XXI асрга дадил қадам қўяётган буюк халқимиз. **Ғурур-ифтихор:** Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоқда интилиб яшайди. Ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурилик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келди. Бу юртда дунёнинг кураш майдонларида кураш кураган кураги ерга теғмасдан зафар қозониб, ўзбек номини бугун оламга таранум этаётган юзлаб пахлавонлар яшайди. Ишонаман, ҳар қайси қишлоқ, ҳар қайси шаҳар, ҳар бир хонадонда янги-янги алпомшилар дунёга келаяди. **Масъулият:** Инсонга нима керак? Тинчлик-осойишталик. Яқинлари бахтини қўриш. Эзгу ниятлари амалга ошиши... Лекин бунинг учун нима қилаймиз? Тинчлик учун курашиш керак. Керак бўлса жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бугун кучини, ақл-идрокини сафарбар этиб, ҳаракат, меҳнат қилиши керак. **Огоҳликни тўғйсиз:** Ҳимоя дегани, аввало, огоҳ бўлиш дегани. Ёвузликни қўрқингани бепарво бўлма. Негаки, эртага шулар тўғайли сенинг бошингга қулаёт тушиши мумкин. Бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Ҳимояланиш деганда мен бизда борини, тинчлигимизни ҳимоя қилишни назарда тутаман. Келажак авлодимизни ҳимоя қилишимиз керак. Оила тинчлигини ҳимоя қилишимиз керак. Ана шунданга ватанимизга муносиб фарзандлар бўламиз.

ти Дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам буюклиқдан далолат. Юртимизнинг чекка худудларига ташриф буюрсангиз ёшлар ниқолларига ҳамда академик лицей талабаларининг “Баркамол авлод” ҳамда олий ўқув юртилари талабаларининг “Универсиада” каби мусобақалари юқори савияда ташкил этилиб, мунтазам ўтказилиб келаётгани мустаҳкам пойдевордир.

камол авлодни камол топтиришга хизмат қилаётган уч босқичли спорт тизимига асос солиниб, мактаб ўқувчилари ўртасида “Умид ниқоллари”, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей талабаларининг “Баркамол авлод” ҳамда олий ўқув юртилари талабаларининг “Универсиада” каби мусобақалари юқори савияда ташкил этилиб, мунтазам ўтказилиб келаётгани мустаҳкам пойдевордир.

Гўлҳаё НҲРМЕТОВА

Исатай АЛДАБЕРГАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

# ШУ сонга жабар!

## Байрам тўғриси



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Беруний ҳамда Мангит шаҳарларида замонавий услубда қурилиб фойдаланишга топширилган “Давлат нотариал идоралари” бинолари Мустақиллик байрамидида мазкур шаҳарликлар учун муносиб совға бўлди.

Тинч барқарор юрдагина кут-барақ, тараққиёт бўлади. Буни мамлакатимиз иқтисодий барқарор суръатларда ривожланиётганида, марказ ва минтақаларда улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари изчил давом этаётганида ҳам қўриш мумкин. Яратиш, янгилини — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Юртимизда янги уй-жойлар, корхоналар, ижтимоий, маданий маърифий масканлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилиши яхши аънаъга айланган. Бундай муштаман ишхотлар Ватанимиз чиройига кўрк бағишлайди, юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширади.

Сўнги йилларда бюджет маблағлари ҳисобига адлия органларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ва давлат нотариал идораларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Замонавий ва миллий архитектура ечимлари уйғунлигида қад ростилаётган мустақиллик биноларида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун барча қулайликлар яратилган.

Мазкур биноларнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан иштирокчилар давлатимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами билан кенг жамоатчиликни табриқлаб, истиклол йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ишхотлар хусусида сўз юритдилар.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ишхотларнинг асосий мақсади юртимиз ободлигини, халқимизнинг фаровон турмуш кечирishi учун муносиб шaroитларни яратиб беришдан иборат. Янги қурилган бинолар эса шу ўлғув мақсадлар рўёбининг амалий тасдиғидир.

Исатай АЛДАБЕРГАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

Муносабат

Судни адолат қўрғонига айлантирамиз

2016 йИЛНИНГ 21 октябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилишга қаратилган ва суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд-ҳуқуқчи муҳофазаси қилувчи ва назорат органилари фаолияти самардорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида **“Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонни қабул қилинди.

Мазкур Фармонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида давлат сийосатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди, барча органлар каби суд тизими ходимлари учун бир қатор вазифалар белгиланди.

Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори маалакли судьялар корпусини шакллантириш, улар устидан назоратни белгилаш учун судьялар ҳамжамиятининг янги органи — Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Кенгаш, аввало, судьялик лавозимига номзодларни энг маалакли ва масъулиятли мутахассислар ораси-

дан танлаб олади. Судьяларни тайинлаш, касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этади. Судьяларнинг фаолияти самардорлигини баҳолайди, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб боради, аҳоли билан мулоқотларни амалга оширади. Шунингдек, судьяларни интизомий, жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун ҳулоса бериш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқади.

Кенгаш фаолиятида, эътибор берган бўлсангиз, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва аҳоли билан мулоқотлар олиб боради, дейилган. Демак, бу суд ишларида адолатнинг рўйбета чиқиши учун ошкораликни юзага келтириш ҳисобланади. Яъни жиноятчиларни жазолаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб, халқ билан мулоқотларда ошкор қилинади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва туман судлари судьяларининг, судьяликка номзодларнинг ҳамда суд ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг маънавий дунёқараши янада бойитиш учун мунтазам равишда маърифат дарслари ҳамда семинар машғулоти ўтказилмоқда. Уларга таниқли олимлар, фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, иқтисодий ва ижтимоий соҳа мутахассислари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари тақлиф этилмоқда.

Узоқ йиллар давомида суд тизи-

мининг асосий фаолияти жиноятчиликка қарши курашишдан иборат бўлиб келди. Энди эса ҳаёт бу борада ҳам ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар олдига янгича талабни — жиноятчиликнинг олдини олишни асосий масала қилиб қўймоқда. Президентимиз бу борада ҳам ташаббускор бўлди. Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан ҳар ҳафтанинг пайшанба кўни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кўни” деб эълон қилинди. Шу кўни жойларда ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари вакиллари аҳоли билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб келимоқда.

Шу мақсадда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва туман судлари судьялари томонидан жиноят ишлари сайёр суд мажлисларида қўрилмоқда. Масалан, шу йилнинг 1 июль халқати судьялар томонидан 1534 та сайёр суд мажлиси ўтказилди.

Президентимиз қайси мансаб ёки лавозимда бўлмасин, ҳар бир раҳбардан қатъий тартиб-бироз ва шахсий жавобгарлик баробарида, алоҳида, адолатли бўлишни талаб этаётгани, Биринчи Президентимизнинг “Ислохот — ислохот учун эмас, ислохот инсон манфати учун”, деган ғуруҳимат гоғоси изчил ва тизимли давом эттирилишини ҳар бир фуқаронинг қалбига кўнган бағишлаб, келажакка ишонч билан қарашга ундамоқда.

**Шуқурулло ИНОҒОМОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари**



АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...

Муаммолар ижобий ҳал этилди

СУРХОНДАРЁ вилояти адлия бошқармаси томонидан Қумқўрғон туманида фаолият юритаётган “Тўхтамурад Қўзиёвчи” фермер ҳўжалиги раҳбари Т.Бакировнинг фермер ҳўжалиги фаолиятига нисбатан бўлаётган тўсиқлардан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилганда, Қумқўрғон туман Табиати муҳофазаси қилиш инспекцияси ходимлари томонидан унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштириш ҳамда жарима қўлалш ҳақида қарор қабул қилишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддаси талаблари бузилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан бошқарма томонидан вилоят Табиати муҳофазаси қилиш қўмитасига киритилган тақдимномага асосан Т.Бакировни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги Қумқўрғон туман Табиати муҳофазаси қилиш инспекциясининг қарори бекор қилинди.

Бундан ташқари, адлия бошқармаси томонидан Узун туманида фаолият юритиб келаётган “Сарвар Лола Сервис” МҶК раиси М.Шукроровнинг ҳоким томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ер майдони ажратиб берилмаётганлигини норози бўлиб Адлия вазирининг виртуал қабулхонасига ёзган мурожаати ўрганиб чиқилиб, бошқарма ходимларининг аралашуви натижасида тадбиркорга ер ажратилиш юзасидан туман ҳокимлигининг қарори қабул қилинди.

Қумқўрғон туманидаги “Жалоир ором фойз” хусусий корхонаси бошлиғи Ш.Холназаровнинг мазкур корхона ва Қашқадар вилоят Шаҳрисабз тумани 50-сон мактабга таълим муассасаси ўрта-суда тузилган шартномага асосан бажарилган иш-

лар учун тўлов амалга оширилмаётганлигидан норози бўлиб, бошқарманинг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати бошқарма томонидан ўрганилди ва ушбу корхона манфаатини қўлаб, 50-сон МТМ ҳисобидан асосий қарз ва пеня ундириш ҳақида судга даъво ариза киритилди. Натияжада, суд қарорига асосан корхона фойдасига талаб қилинган 1 799 280 сўм асосий қарз ва 104 800 сўм пеня ундирилди.

Бундан ташқари, бошқарманинг масъул ходимлари томонидан Термиз шаҳар Ф.Ғуллом қўчаси, 74-уйда яшовчи фуқаро М.Бердиев Термиз шаҳар ҳокимлиги томонидан тураржойни нотураржой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги “Ягона дарча” маркази орқали қилган мурожаатига 2 ойдан бери жавоб ололмаётганлигидан норози бўлиб, бошқарманинг “Ишонч телефони”га қилган мурожаатига асосан мазкур ҳолат бўйича ўрганиш ўтказилди. Тадбиркор М.Бердиевнинг мурожаатига лоқайдлик билан қараган шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддаси билан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва кўриб чиқиш учун тегишли тартибда судга юборилди. Бошқарма ходимларининг саёй-ҳаракатлари натижасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган М.Бердиевга тегишли бўлган уй-жой биноси тураржой тоифасидан нотураржой тоифасига ўтказилиб, фуқаронинг муаммолари ижобий ҳал этилди.

**Алижон ҚАҲРАМОНОВ,**  
**Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари**

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

<b>Тошкент шаҳри</b> Мирзо Улугбек туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Юнусобод туман 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар	<b>Хоразм вилояти</b> Хонқа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Ҳазорасп туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
<b>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ</b>	<b>Жиззах вилояти</b> Жиззах туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Фориш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
<b>Қашқадарё вилояти</b> Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Мирзиқорғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Қарши шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Қосон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Нишон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар	<b>Тошкент вилояти</b> Ангрен шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Покент туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
<b>Наманган вилояти</b> Поп туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Поп туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Мингбулок туман давлат нотариал идорасида 1 нафар	<b>Тошкент шаҳри</b> Учтепа туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Миробод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Шнобод туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
<b>Сурхондарё вилояти</b> Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Денов туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Денов туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Жарқўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар	<b>Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:</b> 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусخаси; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ; 4. Меҳнат дафтарасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси; 5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси; 6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма; 7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома. Танловда йиғирма бешдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича қандайдир иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин. Ҳужжатлар Қорақалғонiston Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охири санаси 2017 йил 11 октябрь) <b>Телефонлар:</b> (0371) 236-76-52, 233-44-48.
<b>Фарғона вилояти</b> Фарғона шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Богдоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Оптиариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Оптиариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Уқўприқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Ўзбекистон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Қувасой шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар	

Судья халқ хизматчиси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2016 йил 21 октябрдаги **“Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ҳамда 2017 йил 21 февралдаги **“Ўзбекистон Республикаси суд тизими тизимласини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонлари соҳадаги туб ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Шунингдек, 2017 йил 13 июнда давлатимиз раҳбари иштирокида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, адолат таъминоти-ларига қай даражада риоя қилинаётгани, соҳада ўраётган айрим камчиликлар таҳлили ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини янада кучайтириш, бу борада судьяларнинг касб этикаси-га риоя қилиши, халққа янада яқин бўлиш мақсадида одилона қарор чиқариши нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги, суд органи ходимлари олдида қўйилган вазифалар муҳима қилинди.

Айниқса, судлар фаолияти танқидий таҳлил қилиниши замирида юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати улуғлигини, унинг ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътибор этилишидан далолат эканлигини таъкидлаш жўз.

Судья соҳани ҳар жиҳатдан етук эгаллаган, ўз вазифасига масъулиятли, билимли ҳамда касамёдида содиқ, пок виждонли, адолатли бўлиши зарур. Бироқ кейинги пайтда мамлакатимиз фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ бўлхоналари ва Виртуал қабулхонасига бўлаётган мурожаатларнинг катта қисми айнан суд идоралари ва судьялар фаолияти билан боғлиқ экани бу йўналишда қўлаб муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан, адолатли суд қарор-

ларини қабул қилишда судьянинг касб одобига риоя этиши инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида таъминланиши ҳамда адолатли қарор қабул қилинишининг гарови саналади.

Президентимиз судьяларнинг маънавий ахлоқи ҳақида тўхталар экан, халқ дарадига шерик бўлиш, тергов ишини илоҳи борица соддалаштириш айнан судьяларнинг одоб-ахлоқи билан боғлиқ масала эканлигига эътибор қаратди. Бундай ҳолатни бартараф этиш учун эса суд органи-ни ходимлари ҳар ойда халқ билан очик мулоқотни йўлга қўйиш масаласи кўн тартибга қўйилди.

Сайёр мулоқотлар орқали аҳолининг муаммоларини жойида кўриб чиқиб, халқ қилиш амалиёти судьянинг халқ хизматчиси эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан **“судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик бўлиши шарт”**, деган эзгу ғоя ҳар бир судьянинг иш тартиби мезонига айланishi зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, Президентимиз судья лавозимига фаолият кўрсатаётган суд ходимлари ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар-ида ахборот бериши билан боғлиқ амалиётни йўлга қўйиш вақти келганини қайд этди.

Дарҳақиқат, суд ҳокимиятига энг адолатли баҳони хо-лиқ ва бағрикенг халқимизга бера олади. Чўки фақат-гина ҳуқуқий халқ вақилитига инсон қадриятларини ҳимоя қилишга мўжосиб бўла олади.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар-дан қўланган асосий мақсад ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орузларини рўйбета чиқариш, пировардидан, инсонпарварлик таъминоти-ларига асосланган демократик жамиятни барпо этишдан иборатдир.

**Матқонбой МАТҚОНОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди судьяси**

Табият ва инсон

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида: **“Айни вақтда бутун дунёда экологик муаммолар тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги кунда бу соҳадаги ишларни, афсуски, етарли ва қониқарли, деб айтолмаймиз. Бу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракати қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Маълумки, аҳолини, айниқса, қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Шунингдек, машиий чикиндиларни тўплаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш масаласи ҳам оламдимида турган энг оғир муаммодир. Шу билан бирга, собик тузум даврида узокни ўйламасдан қурилган, бугунги кунда айрим вазирилик ва идоралар, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб-келлинаётган саноят иншоотлари ҳам замонавий экологик талабларга жавоб бермайди. Энг муҳим масала — аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий иш котиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларнинг фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қатлиб оана табиятга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”**, деган фикрлари озон қатламни экологик муҳофазаси қилишга ҳам бевосита боғлиқдир.

Атмосфера ҳавоси Ерни ўраб олган газли қатлам — табиий омилирдан биридир. Атмосфера ҳавоси таркибиде бир қанча газлар бўлиб, уларнинг асосини азот, кисиордо, карбонат ангидриди, хидроген (водород), аргон ва бошқа инерт газлар ташкил этади.

Инсон ашайидган муҳитни ифлос қилмаслик, бундан бир неча асрлар олдин, ҳаттоки, 1382 йили

Фарангистон қироли Карл VI томонидан қўнунлаштирилган ва ҳавога ёмон ҳидли, кўнгил оздирадиган” тўтун чиқарувчилар қаттиқ жазоланган.

Таъкидлаш жоизки, 1994 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамб-

юкориде жойлашган муфиб, сайёрамиздаги ҳаётни муҳофазаси қилиб туради.

Бу наҳотбахш газ Ер сайёрасини қўвшининг ультратрабинафша нурлари ва бошқа зарарли нурлардан ҳимоя қилади. Агар озон қатлами нобуд бўлса, ер қурра-

ОЗОН ҚАТЛАМИ

леяси турли мамлакатлар ушбу кунда атроф-муҳитнинг муаммоларидан келиб чиқадиган хатарлардан халқни оғохлантириш учун режа тузиш мақсадида 16 сентябрь кунини азон қатламиндан ҳимоя этиш халқаро кўни, деб номлаган эди.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, атмосферанинг озон қатлами қурраи заминимизда ҳаёт мавжудлигининг энг муҳим шартларидан биридир. Холбуки, инсониятнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолияти натижасида сайёраимизни қўёш радиациясидан ҳимоя қиладиган ушбу табиий экран шиддат билан юқулашиб бормоқда. Мазкур экологик муаммонини халқ этиш мақсадида 1985 йилда дунёнинг 147 мамлакатни иштирокида озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинган эди. 1987 йил 16 сентябрда эса озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколи имзоланган.

Олимларнинг қайд этишича, оддамзотнинг озонга зарар етказувчи маҳсулотлардан фойдаланишини тўхтатиш орқали мазкур ҳимоя қатлами тикланишини 11 йилга тезлаштириш мумкин.

Умуман олганда, озон рангсиз, ўзига хос ўткир ҳидли газ. Атмосферанинг озон қатлами қўвшининг инсоният учун, умуман, ер юзидеги барча ҳайвон ва наботот олами учун ўта зарарли бўлган ультратрабинафша нурларини “тўтиб” қолувчи асосий тўсиқ ҳисобланади. У ер юзидан 20-50 км.гача

сидаги ҳаёт ҳам йўқ бўлади ва инсоният аждоди, ўсимликлар ва жониворлар қиска мuddат давомида афсусланарли даражада инкирозга учрайди. Чўнки қўёш нурида мавжуд бўлган ультратрабинафша нурлари, ҳатто инсон терисидан ўтиб одамнинг ички ҳужайраларига жиддий зарар етказиши ҳам мумкин. Шунингдек, озон қатламининг емирлиши зарарли нурларнинг аёвсиз ерга ёғилиши ва шу билан бирга иклим ўзгаришларига ҳам сабаб бўлади. Бу нурлар Ерга етиши билан Шимоллий ва Жанубий кутблардаги музларнинг эриши ва натижада иссиқ ва қуруқ минтақа қаларини сув босиши мумкин. Ўсимликларнинг сийраклашиши ва ҳайвонлардаги генетик ўзгаришлар ҳам озон қатлами тешилиши натижасида амалга ошади.

Мана, йиғирма олти йилдирки мамлакатимизда иқтисодийтаъминнинг моддий асоси бўлган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофазаси қилишга доир муносабатларни тартибга солиувчи экологик қонунларни қабул қилиш, мавжудларини эса такомиллаштириш ва ривожлантиришга оид кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, давлатимиз раҳбарни ташаббуси билан амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш ва илгор ҳоржий тажрибани таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-**



**тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**” ҳам мазкур соҳада алоҳида аҳамият касб этади. Ундадан атмосфера, озон қатламини муҳофазаси қилиш ва иклим ўзгаришларига оид муаммоларни ҳал қилиш масалалари ҳам ўрин олган.

Фикримизча, мазкур Ҳаракатлар стратегиясида:

- глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ ҳўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига таъсирини қонмашти бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;
- оддамларнинг экологик ҳавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, машиий чикиндиларни қайта ишлаш комплексларишини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг чикиндилни йўқ қилиш бўйича замонавий объектилар билан таъминлаш;
- атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш каби масалаларга оид концептуал голарнинг ифода этилиши ҳозирги шариоатда замон талаби асосида инсон ва фуқароларнинг атмосфера, озон қатламини муҳофазаси қилиш ва

ҳавф солиувчи моддаларни қайта ишлашчи бешта марказ иш бошлади. Улар турли саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва машиий техникаларда ишлатиладиган ҳавфли моддалар қайта ишланиб, фойдаланишга топширилган ва 125 та корхонага озон қатламини емирувчи моддаларни қамайтирадиган ускуна ўрнатилган. Ўзбекистон 1993 йилда озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протокоliga қўшилган.

ҳимоя қилиш соҳасидаги ушбу мушловчи бешта марказ иш бошлади. Улар турли саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва машиий техникаларда ишлатиладиган ҳавфли моддалар қайта ишланиб, фойдаланишга топширилган ва 125 та корхонага озон қатламини емирувчи моддаларни қамайтирадиган ускуна ўрнатилган. Ўзбекистон 1993 йилда озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протокоliga қўшилган.

муҳофазасага муҳтож

Ўзбекистонда озонни емирувчи моддалар ва таркибиде шундай моддалар мавжуд маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқишни лицензиялаштириш тизими жорий этилган бўлиб, шундай моддаларнинг айрим турлари истеъмолдан тўлиқ чиқарилган ва улардан фойдаланиш 218,3 метр тоннага қамайтирилган. Бундан ташқари, мамлакатимизга қонқуныи равишда олиб кирилган 328 килограмм озонни емирувчи моддага йўқ қилинган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили атмосферага 100 миллион тоннадан ортик углеводород чиқарилар экан. Шунинг 74 фоизи ривожланган давлатлар хиссасига тўғри келади. Олимларнинг фикрича, ўрмон ёнғинлари оқибатида атмосферага чиқайтган карбонат кислотаси саноят чикиндиларининг 50 фоизига тенг. Ҳавога кўтарилган тўтун атмосферанинг юқори қатламида кўйинди зарарларини кўпайтиради. Оқибатда, сайёраида қуёшдан келайтган иссиқлик энергияси қайтадан коинотга ёйилиши ўрнига Ернинг ўзида қилиниши ва сакланиши ҳамда давлатларнинг биргаллиқдаги ва ҳар бир давлатнинг алоҳида актив фаолиятини тақозо этади.

Кўпдан-кўп халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар (конвенциялар, протоколлар, шартномалар ва хожазолар)ни қабул қилиш мумкин, бироқ ҳар бир давлат озон сакланишини ўз муаммоси сифатида кўрмас экан, бу соҳада ижобий силжиш бўлмайди.

Давлатимизда озон қатламини

лакаси оширилди. Мақсад жаҳон ҳамжамиятидан муносои ўрин эгаллаётган Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқий меъёрларга бирдек амал қилиш баробарида фарзандларига ва келажақ авлод учун тоза ҳаво, мусофдо осмон ва бегубор ҳаётни таъминлашдан иборат.

Шунинг учун ҳам, глобал экологик муаммолар билан халқаро сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар, гуруҳлар, ҳаракатлар (“яшиллар” ёки экологистлар) ҳам шуғулланишлари. Улардан энг машҳури “Гринпис” — “Яшил дунё” экологик ташкилоти бўлиб, улар фаолиятининг асосий йўналиши — биосферанинг радиатив ифлосланишдан саклаш ҳамда озон қатламини муҳофазаси қилишдан иборатдир.

Умуман олганда, халқаро жамоатчилик 1995 йилдан бошлаб ҳар йили 16 сентябрь кунини жаҳон халқлари Атмосферанинг озон қатламини муҳофазаси қилиш халқаро кўни сифатида кенг нишонлаб келадилар. Мазкур тадбирнинг белгиланиши эса, она табиятга муносабатда бўлишдаги ҳар бир ҳаракатимиз аҳтисиликни талаб этади. Шу маънода файласуф Гро Харлем Брунланд айтганидек: “Табият — бу аждоларимиздан бизга қолдирилган мерос эмас, балки келгуси авлодларимиздан олинган қарзидир”.

**Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,**  
**Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори**

Ўқтомир

ОЛИМЖОН ажойиб инсон эди. Камгап. Биров билан иши йўқ. Тўшганча қишлоқ мактабда тарихдан дарс берарди. Тўшдан сўнг кетмонни кўтариб далага йўл олди. Одамлар камгапчилигини уруш кўрганлигида дейишди. У ўз йигитлик бурчини Афғонистонда ўтаган. Қишлоқдагиларнинг кўпчилиги уни Олимтой деб чақирди. Кейинчалик ўрганиб ҳам кетди. Унинг тенгқуллари "Той" деб чақирарди. Хатто, ўзидан кичиклар ҳам "Той ака", деб чақирарди. Олимжон бир кунни мени чақирди: — Рўй-роста муҳаббат борми, — деб қолди. — Бор бўлса бордир, — дедим.

Қишлоқ четдаги сой бўйига бошлаб келди. — Дунёда муҳаббат бор. Ишонвер, — дея хикосини бошлади. — Биласан, ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаганман, — деди Олимжон. Юрагимга яқин дўстим Мусо билан йигитлик бурчимнинг оғир дамларини бирга ўтаганман. Асли бойсулик йигит эди.

Ҳарбий хизматни ўтаган пайтими ҳар кун кечкурун ўзи яхши кўрган қизи Гулсаранинг мактубини ўқиб берарди. Хат келган кунлар у ўзини кўярга қиз топа олмасди.

— Хатни менга эмас сенга ёзган-ку, нега менга қўратасан дедим. Лекин у бу ордатини қўймасди.

Бир кун янговар топшириқни бажариш учун буйруқ олди. Энг дахшатли ҳар гал жанговар топшириқни бажаришда айрим йигитлар ротага қайтмасди. Бунинг барча аскарлар билишарди. Уруш-урушда. Ўша жангда Мусо ротага қайтиб келмади. Командир ва аскар йигитлар уни кўз ёш билан эсладди.

Кун ўтмай рота сўртди. Жангдан қайтмаган Мусонинг шарафига бир дақиқалик сукутдан сўнг автоматларда осмонга ўқ

Оқибат ўлмасин



Муҳаббат энг ўзгал ҳақиқатдир.

Уильям Сароян Америкалик адиб

юборди. Ўша кечаси туну билан икковимиз ҳасратлашиб чқидик. — Нега Гулсарага уйланмадинг, — деб сўрадим.

— Ота-онаси совчиларга "чўлоққа берадиган қизимиз йўқ. У уйлангач, оиласини қандай боқадим", дебди.

— Тақдирга тан бериб яшайман, — деди Мусо. — Гулсаранинг уйи қаерда, уни кўрсатасан, — дедим.

У Гулсаранинг уйини кўрсатди. Униқига бордим. У уйда кашта тикиб ўтирган экан.

— Ховлисига кирганимни кўриб онаси йўлимни тўсди. — Сенга нима керак, солдат, — деди.

— Гулсара керак, — дедим. — Гулсара унатирилган қиз, — деди.

— Унда гапим бор. — Сен солдат қизимни Мусога сўраб келган бўлсанг аддасан, — деди.

— Гулсара, сенга гапим бор, — дедим.

У индамасдан ортимдан эргашди. Мусонинг уйига бордик. Мусо бешик ясаётган экан.

— Мусога қараб: — Гулсарани олиб келдим "Мусо, қўлингни бер", дедим ҳазил аралаш. Гулсарага ҳам "Гулсара, қўлингни бер" дедим. Иккови бир-бирига қўл беришди. "Яшасин, муҳаббат", дедим. "Гулсара, энди сен Мусониксан, чунки қўлингни бердинг". Орадан 6 ой ўтгач, Мусо уйимга Бойсундан одам юборибди. Тўйга айтишга. Сўнг тўйга келган барча

қуролдошлар рақсга тушидик. Кейин ҳаммамиз тирик қолганимизга шукроналар айтиб, сўнг жангоҳда қолиб кетган йигитларни эслаб йиғлашдик.

Турмуш таъшиллари сабабми уч-тўрт йил Мусо билан алоқамиз узилиб қолди. Бир кун яна бир йигит келиб Мусо тўйга тақдир қилганини айтиб қолди. "Сиз қишлоққа борган кунни Мусоникка тўй бошланаркан", деди.

Бойсунга тўйга отландим. У ўғли Олимга той тўйи бошлабди. Биз борган кун тўй бошланди. Эрталаб туриб қишлоқ яқинидаги Омон дарага йўл олдим. Ортимдан Мусонинг ўғли Олимтой эргашди. Тоғлар билан ўралган Омон дарага бориб осмонга қараб хайқирдим: "Яшасин, муҳаббат!".

Кўп ўтмай Омон дарада овозим садо берди. "Яш-а-с-и-н, муҳаббат", "Яш-а-с-и-н, муҳаббат". Қишлоқ томондан икки нафар одам келатган. Булар Мусо билан Гулсара эди. \*\*\*

Яқинда меҳнат таштилади қишлоққа бордим. Аёлим тонг сахардан уйғотди. "Туринг, қишлоқда таъзия бўлиб қолди, эркаклар кетишяпти", деди. Ким экан дедим Олимтой ака деган киши экан.

— Кеча кечкурун у киши билан сой бўйида гаплашган эдим-ку, — дедим ва кеча менга айтиб берган воқеани эсладим. Қўзимга ёш қуйилиб қолди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Қилмиш — қидирмиш

ИШОНЧ — улуг туйғу. Ишонч инсонни юксак чўққиларга кўтариши ёки бир зумда ана шу чўққидан куллатиши мумкин. Айтишадик-ку, ишонч қозониш учун йиллар зарурдир, аммо уни поймол қилиш учун дақиқалар кифоя. Қаҳрамонимиз Сайфулло Азизов (исм-шарифлар ўзгаририлган) соддадил инсонлар ишончнинг қозонишининг уддасидан чиқди. Унинг ҳаёт йўли фақат алдовларга қоришиб кетди.

Дастлаб, яқин таниши Дилшоднинг ишончига қириб, унга "НИВА" русумли машинани пулини бўлиб тўлаш шарти билан сотиб, пул тўлиқ тўлангач расмийлаштириб беришни ваъда қилди. Ва дастлабки тўлов учун 3.000 АҚШ долларини, келишув бўйича ўн ой ичда қолган пуллари иш дафтарига қайд этиб борган ҳолда тўлиқ олиб, берган ваъдасини бажармасдан, пуллари ўз эҳтиёжига сарфлаб, автомашинани расмийлаштириб бермади.

Орадан икки ой ўтмай, Шохрухнинг ҳам ишончига қириб уқасининг номига расмийлаштирилган "Нексия" русумли автомашинани пулини бўлиб тўлаш шарти билан сотди. Пул тўлиқ тўлангач расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, дастлабки тўлов сифатида 3.000 АҚШ долларини олиб, 10 ой ичда қолган пуллари олганига қарамай, автомашинани рас-

Уддабурон фарибгар



миллаштириб бермади. "Ўрганган кўнгли ўртанса қўймас", деганларидек, Сайфулло яна бир инсоннинг ишончига қириб қолди. Лазизга ҳам юқоридagi ваъдаларини бериб, ўзига тегишли бўлган "Ласетти" автомашинасини алдаб сотади.

Сайфулло нопок ишларини давом эттириш учун Наманганга йўл олади. Унинг

қармоғига Собир илинади. Унга ўзига тегишли "Матиз" русумли автомашинасини сотади. Собир у ерда ўзи танимаган шахс гувоҳлигида 10.500 АҚШ долларини Сайфуллога бериб, ундан машинани номига ўтказиб беришни сўрайди. Сайфулло шартнома қилдириб беради. Шундан сўнг у Наманган вилоятига қайтиб, машинани ўз номига расмийлаштириш учун Поп туманидаги ИХБга борганида, у ердаги ИИБ ходимлари унга С.Азизов олди-сотди шартномаси эмас, аксинча, ижара шартномаси қилиб берганини маълум қилишганида, у алдаганини билиб қолади.

Шу тарика уддабурон фарибгар яна ўн беш кишининг ишончига қириб, ноқонуний машина олди-сотдиси билан шуғулланиди. Қўллаб одамлар "Нексия", "Ласетти", "Матиз", "Спарк", "Нива", "ВАЗ-2107" русумли машиналик бўлдим, деб ширин хаёл сурди.

Албатта, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Сайфулло ҳам суднинг қора курсисини олдида жавоб берди. Унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бироқ ишончи поймол бўлганлар-чи? Ушбу воқеани ёзишдан мақсад ҳам фарибгарлардан оғоҳ бўлишни эслатиб қўйишдир. Зеро, ишонмаслик ҳатодир, аммо ҳаммага ишонверши жиноятдир, дейилади ҳикматларда.

Ориф МИРЗАИРОВ, Чилонзор туман прокуратораси терговчиси

ASAKA BANK advertisement with logo, contact numbers, and promotional text about bank services and interest rates.

Legal notices and advertisements including 'SAVOL СИЗДАН' (Question from you), 'ЖАВОБ БИЗДАН' (Answer from us), and 'Эълонлар' (Announcements) with various legal notices.

Footer section containing 'ИНСОН ва ҚОНУН' logo, contact information for the editorial office, and subscription details.